O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Франция олтин медали — академияга

Яқинда Франциядан хушхабар келди: Ўзбекистон Халқ табобати академиясига олтин медаль берилганлиги ҳақида. Уни Франция саноатни қўллаб-қувватлаш уюшмаси тақдим этган. Шу ўринда нима учун деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, академия жамоаси оламда кенг тарқалган сариқ ва қандли диабет касалликларини даволашда қўлланиладиган дори-дармонларни тайёрлашда эришаётган ютуқлари учун ана шу мукофотга сазовор бўлди.

Кейинги пайтларда жигар хасталикларини жамоа томонидан шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дорилар билан даволаш яхши самара бераётганини кўпчилик эътироф этмоқда. Бу борадаги изланишлар чакки эмас. Айниқса, «Осиё» дамламаси ва «Ҳусайн» шарбати ҳақида фақат яхши фикрлар билдириш мумкин. Улар синовдан муваффақиятли ўтди. Шунинг учун ҳам улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсати билан сотувга чиқарилган.

Дарвоқе, францияликларда ҳам катта қизиқиш уйғотган «Осиё» дамламасининг алоҳида хусусияти шундаки, у сариқ касаллигини асоратсиз даволашда яхши самара беради. Ушбу дамлама таркибида 14 хил шифобахш модда бор. «Ҳусайн» шарбати эса қандли диабет асоратларини бартараф этишда фойда беради.

Жаҳон телефон алоқасига уланди

Бугунги кун тараққиётидан келиб чиқадиган талаб шуки, кунига бўлмаса-да, ҳар қалай вақти-вақти билан ишни янгиликлар, ихтиролар ва қулайликлар эвазига жонлантириб туриш тақозо этилади. Акс ҳолда ишда замонга хос силжиш юз бермайди. Жондорлик алоқачилар бу борада шу ақидага амал қилишмоқда. Чунончи, улар янги йилда туман аҳлига муносиб совға тортиқ қилдилар. Яъни туман автомат телефон станцияси жаҳон телефон алоқасига уланди. Бунга 1995 йилда бошланиб, аср қурилиши деб ном олган ва Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳридан Хитойнинг Шанхай шаҳригача чўзилган «Транс-Осиё-Европа» шиша толали алоқа кабели ишга туширилиши туфайли эришилди.

Туман марказидаги алоқа станциясининг ана шу кабелга уланиши Америка билан боғланиш имконини берди. 2005 йилгача тумандаги барча хўжаликлар аҳолиси шундай қулайликка эга бўлади.

Янги қардошлик йўли

Жаҳон андозаси даражасида қурилаётган темир йўлларни дунё мамлакатларининг қон томирлари дейиш мумкин. Бу йўллар мағриб билан машриқни боғлайди. Учқудуқ — Султонўзак — Нукус темир йўли бунёд этилишини бир сўз билан айтганда асримизнинг зарбдор қурилишларидан бири дейиш мумкин. 778 километрга чўзилган бу йўл ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқ ва туркман халқларини янада яқинлаштиради.

Ўзбекистон темир йўллари давлат акционерлик компанияси ва «Ўзбектрансқурилиш» уюшмаси мутахассислари бу ишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Хоразмдаги 3-поезд қурилиш-монтаж бошқармаси, Қорақалпоғистондаги 260-поезд қурилиш-монтаж бошқармаси, Навоийдаги 151-поезд қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари ҳам чиникам шижоат кўрсатишаётир.

Самимий қутловлар

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, порлоқ истиқболни яратиш йўлида кўпдан-кўп муҳим ва залворли қадамлар қўйилган, халқимиз каттадан-катта ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлган 1998 йил ҳам ортда қолиб, янги 1999 йил кириб келди. Янги йил бутун Ер юзида ўзгача бир шукуҳ билан кутиб олинади. Чунки олдинда оламолам эзгу ниятлар, янгидан-янги яратувчилик режалари амалга ошадиган, кўпдан-кўп муваффақиятлар забт этиладиган Янги йил туради.

Янги 1999 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига кўплаб хорижий давлатлар ва ҳукумат раҳбарларидан табрикнома ва қутлов телеграммалари келди. Америка Қўшма Штатлари Президенти Б. Клинтон ва унинг рафиқаси Ҳ. Клинтон, Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцин, БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва унинг рафиқаси, НАТО Бош котиби Хавьер Солана, Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр, Италия Республикаси Президенти Оскар Луиджи Скальфаро, ҒФР Федерал Президенти Р. Ҳерцог, ҒФР Федерал Канцлери Г. Шрёдер, Бельгия Бош вазири Ж.-Л. Дехане, Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмин, Умумхитой Халқ вакиллари Йиғини доимий қўмитаси Раиси Ли Пэн, ХХР Давлат Кенгашининг Бош вазири Чжу Жунцзи, Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Чжун, Украина Республикаси Президенти Л. Кучма ва унинг рафиқаси, Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев, Тожикистон Республикаси Президенти И. Раҳмонов, Туркманистон Президенти С. Ниёзов, Белорус Республикаси Президенти А. Лукашенко, Арманистон Республикаси Президенти Р. Кочарян, Қувайт Давлати Валиаҳди ва Бош вазири Саад ал-Абдуллоҳ ас-Салим ас-Сабоҳ, Мальта Республикаси Президенти Мифсуд Бонничи, Ливан Республикаси Президенти Эмиль Лаҳуд, Гайана Президенти Дж. Джаган, Жанубий Африка Республикаси Президенти Нельсон Мандела, Суринам Республикаси Президенти Хулес Алберт Вихденбош, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Чан Дик Лионг, Кипр Республикаси Президенти Г.Клиридис, Молдова Республикаси Президенти Петру Лучински номидан келган қутловномалар ана шулар жумласидандир. Уларнинг барчасида Янги йил муносабати билан давлатимиз раҳбарига самимий қутловлар, мамлакатимиз халқига равнақ ва бахт-саодат истаб билдирилган энг эзгу тилаклар ўз ифодасини топган. Шунингдек, аксарият табрикномаларда мамлакатимиз қисқа давр ичида ўз давлатчилигини мустаҳкамлаш ишида, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда катта муваффақиятларга эришгани, Ўзбекистон фаровон ва истиқболли келажакни барпо қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини изчиллик билан давом эттираётгани алоҳида таъкидланган.

(ЎзА)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 5 январь, сешанба • № 2 (24.397).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Янги кашфиётлар

Чиқиндидан — замонавий маҳсулот

... Бир фикр Ҳайитбойга тинчлик бермасди: чиқиндилар (соапсток) таркиби жиҳатидан нефть қолдиқлари билан ҳамоҳанг. Шундай экан, нефть қолдиқларидан олинадиган пальмитин, олбин кислоталарини соапстокдан ҳам ажратиб олиш мумкин эмасмикан? У шу ўйда китобларни варақлар, нималарнидир хомчўт қилар, яна ишга шўнғиб кетиб, синовни давом эттирарди.

Соапстокдан намуна олиб, Россия нефтни қайта ишлаш корхоналари лабораторияларида текширтириб кўрсамикан?.. Узоқ иккиланишлардан кейин шу хусусда корхона етакчиси Т. Мусаевга маслаҳат солди.

— Тўғри ўйлабсиз, — маъқуллади уни етакчи — тахминларингиз тўғри бўлиб чиқса, корхона учун зарур маҳсулотларни хориждан ташиб келтиришдек ташвишлардан қутулган бўлардик.

Дастлаб ўзбек йигитининг таклифи, тажрибаларига шунчаки бир қизиқиш аломати сифатида қараган Новокуйбешвск нефтни қайта ишлаш заводи мутахассислари илк текширувлардан кейин синов натижаларига ўзлари ҳам қизиқиб қолишди. Ахир, халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кислоталарни чиғит чиқитларидан ажратиб олиш ҳали жаҳон тажрибасида синаб кўрилмаган эди-да.

... Лабораторияда синов давом этяпти. Турли кучланишдаги, босимдаги ҳар хил даражадаги иссиқлик, ўзига хос вакуум. Биринчи синов. Иккинчиси ва ниҳоят оптимал ижобий якун. Соапсток таркибида соф пальмитин ва олкин...

Волга-Дон шаҳридаги «синтез-пар» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган текширишлар ҳар хил шубҳаларга барҳам берди.

Энди янгиликни амалиётга жорий этиш вазифаси турарди. Чунки органик бирикмалардан кислоталарни ажратиб олиш фан ва амалиёт учун қанчалик янгилик бўлса, унинг ишлаб чиқариш ускуналари масаласи ҳам шунчалик янгиликдир. Бу муҳим ишда Ҳайитбойга Волга-Дон шаҳридаги «Химвект» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандис-техник ходимлари ҳамкор-мададкор бўлдилар. Нефтни қайта ишлаш ускуналари орасидан шунга мувофиқ келадиганлари изланди, танланди, айримлари такомиллаштирилди.

Шу тариқа тўпланган ректификация (ёғ чиқиндиларини таркибий қисмларга ажратиш) ускуналари роппа-роса 14 вагонга юк бўлди. Машаққатли юмушда Ҳайитбой билан бирга елиб-югурган бирлашма президенти, химия фанлари номзоди Владимир Кудряшев шу ускуналарни «Урганч-ёғ» ҳиссадорлик жамиятида монтаж қилиш ва ишга туширишда ҳам унга яқин кўмакдош бўлди. Хуллас, халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулот нафақат Россияда, балки диёримизда ҳам ишлаб чиқариладиган бўлди. Кашфиёт патентлаштирилиб, Ҳайитбой Ортиқовга муаллифлик гувоҳномаси берилди. Бу ишлаб чиқаришнинг машаққатли сўқмоқларидан ўтган ижодкор мутахассис самарали меҳнатининг ўзига хос якуни бўлди.

Ҳ. Ортиқов Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, химия фанлари доктори З. Салимов раҳбарлигида пахта соапстогидан ёғ кислоталари ажратиб олишнинг узлуксиз технологияси устида иш олиб борди. Янги технология пахта соапстокини 15-20 фоизли концентрациягача суюлтириш, уни натрий ишқори билан совунга айлантириш, совунни эса сульфат кислотаси ёрдамида парчалаш, хосил бўлган кислоталарни сув конденсати билан ювиш каби узлуксиз жараённи ўз ичига олади.

Технологиянинг асосий қоидалари 1995-1997 йилларда республика «Ёғмойтамакисаноат» илмий-техник кенгашида, шунингдек табиий бирикмалар химияси бўйича Туркияда, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда пальма ёғини қўлланиш бўйича Малайзияда ўтказилган халқаро симпозиумларда муҳокама этилиб, жаҳоннинг таниқли олимлари томонидан юқори баҳоланди.

Яқинда у Тошкент давлат техника дорилфунунининг илмий кенгашида шу ҳақда — «Пахта ёғи кислоталарини фракцияларга ажратишнинг узлуксиз схемаси» мавзуида диссертация ёқлаб, техника фанлари номзоди унвонига сазовор бўлди. Илмий кенгаш аъзолари тадқиқотчининг соапстокни таркибий қисмларга ажратишга асосланган янги технологиясини республиканинг турдош корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий қилишга тавсия этдилар.

Унинг ихтироси корхонада чиқитсиз технологияга йўл очди. Шу пайтгача чиқинди сифатида ташлаб келинган ёғ ва совун чиқиндилари эндиликда қайта ишланиб корхона фаолияти учун сув ва ҳаводай зарур бўлган пальмитин ва олбин кислоталари учун хомашё вазифасини ўтамоқда.

Илгари пальмитин ва олбин кислоталари валюта эвазига Россиядан ташиб келтирилган бўлса, янги технология жорий этилиши билан улар айни шу мамлакатнинг ўзига экспорт (жаҳон бозорида пальмитин ва олбин кислоталарининг ҳар тоннаси 1550-1600 АҚШ долларига тенгдир) қилинмоқда. Қўшни Қозоғистон, Қирғизистон республикаларидан ҳам ана шундай маҳсулот етказиб бериш юзасидан буюртмалар олинди.

Жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилиши, янги тур маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши туфайли «Урганч-ёғ» ҳиссадорлик жамиятида йиллик ялпи даромад икки ҳисса кўпайди. Ўтган йили пальмитин ва олбин кислоталари ишлаб чиқарилишининг ўзлаштирилиши эвазига 202 миллион сўмлик самара олинди.

Энг муҳими илғор технологияни жорий этиш асосида олинган маҳсулотлар республика лак-бўёқ, маиший кимиё, резинотехника саноати корхоналарининг ривожланишига, ҳиссадорлик жамиятининг ўзида эса янги тур маҳсулотлар —суюқ совун, тиш пастаси, парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқариш масаласи кун тартибига қўйилишига туртки бўлди. Шу ишларни жадаллаштириш мақсадида «Химвект» (Россия) илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиш тадбирлари кўрилмоқда. Бугун олим-ихтирочининг диққат-эътибори ана шу ҳаётий масалалар билан банд.

Айни вақтда Ҳ. Ортиқов совун цехидан чиқадиган оқова сувларининг қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундалари — оқпашша, қизилча, узум ҳашаротларига қарши таъсири юзасидан илмий тадқиқотларни давом эттираяпти.

Ҳа, унда тиним йўқ. Элликдан ошган бўлса-да, ҳамон йигитлардай навқирон, улкан корхонадаги кундалик масъулиятли юмушларга қарамай юртимизнинг нурли келажаги, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳақида ўйлаш-изланишга ҳам вақт топади. Зеро, элга бахшида ишлар боқийликка дахлдордир.

Оллаберган РАЖАБОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 5 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	67,79
1 Австрия шиллинги	9,54
1 Англия фунт стерлинги	184,23
10 Бельгия франки	32,53
1 Голландия гульдени	59,55
10 Греция драхмаси	3,93
1 Дания кронаси	17,35
1 БАА дирхами	30,10
1 АҚШ доллари	110,55
1 Миср фунти	32,47
10 Испания песети	7,89
100 Италия лираси	6,78
1 Канада доллари	72,13
1 Хитой юани	13,35
10 Люксембург франки	32,53
1 Малайзия рингити	29,09
1 Германия маркаси	67,09
1 Польша злотийси	31,54
1 СДР	155,66
1000 Туркия лираси	0,35
1 Финляндия маркаси	22,07
1 Франция франки	20,00
1 Швейцария франки	80,88
1 ЕВРО	131,22
10 Жанубий Корея вони	0,93
10 Япония иенаси	9,73
1 Россия рубли	5,35
1 Украина гривнаси	32,26
1000 Белорусь рубли	1,03
1 Латвия лати	191,59
1 Литва лити	27,64
1 Молдова лейи	13,29
1 Қирғизистон соми	3,76

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Бу дунёнинг ишлари

Ҳатто бола-чақаларини ҳам унутишди

Муҳтожлик туфайли молдавиялик кўплаб аёллар хорижга пул ишлаш учун жўнаб кетишга мажбур бўлишмоқда. Масалан яқингинада 2000 га яқин турмушга чиққан аёл хорижга жўнаб кетди. Улар янги йилни ўз оилаларидан узоқларда нишонлашга мажбур бўлишди. Улар иш қидириб Туркия, Греция, Италия ва Испанияга боришмоқда. Бу аёллар уй хизматчилари, тарбиячи сифатида ҳам ишламоқдалар. Хозирча Молдавияда хорижга пул ишлаш учун кетганларни ҳисобга олиш учун расмий маълумот йўқ. Лекин шу билан бирга улар Истанбул, Никозия, Афина ва бошқа шаҳарларнинг меҳмонхоналарида қадимий касб билан шуғулланишмоқда. Турист сифатида қисқа муддатга бориб маҳаллий қўшмачиларнинг канизагига айланмоқдалар. Уларнинг кўпчилигига «ширин ҳаёт» жаннати кейинчалик жонажон уйида яшаган ярим оч ҳаётидан кўра ачинарли бўлиб қолмоқда.

Йўлдаги фалокат

Белорусь Республикаси миллий мажлиси олий палатаси раисининг ўринбосари 53 ёшли Тамара Дудко автомобиль ҳалокати туфайли ҳалок бўлди. Милиция навбатчисининг сўзларига кўра, Тамара Дудко «Сосна» санаторийсида дам олиб қайтаётган эди. 2 январь куни кечки пайт Тамара Дудко кетаётган «Вольво-460» автомобили кутилмаганда «Фольксваген» автомобили билан тўқнашиб кетди. Машинада эса Дудко билан бирга куёви ҳам бор эди. Ўғли ҳайдовчилик қиларди. Тўқнашув натижасида Тамара Дудко билан куёви ҳалок бўлишди. Ўғли ва «Фольксваген» ҳайдовчиси омон қолишди. Тамара Дудко Белорусда йирик сиёсатчи сифатида танилган эди. У бундан аввал хотин-қизлар иттифоқини бошқарганди. «Аливария» пиво пишириш бирлашмасининг бош директори сифатида ҳам фаолият кўрсатганди.

Йирик операция бошланди

Покистон полицияси Бош вазир Навоз Шарифнинг ҳаётига суиқасд уюштирганларни қидириш бўйича йирик операцияни бошлаб юборди. Маълумки, Лахор шаҳрига яқин жойдаги кўприкда кучли бомба портлаши юз берганди. Навоз Шариф бир неча дақиқадан сўнг ўтиши мумкин бўлган ушбу кўприк портлатилиши натижасида уч киши ҳалок бўлди. Ахборот вазири Мушохид Ҳусайннинг айтишига кўра, ушбу портлаш бош вазирга нисбатан қилинган террорчилик ҳаракатидир. Шу боис ҳам энди ҳукумат террорчиларга қарши кескин кураш очмоқчи. Бош полиция инспекторининг ўринбосари Шавкат Жавод эса, ахборот агентликларининг Покистон Бош вазири Навоз Шарифга нисбатан ўтган якшанба куни суиқасд уюштирилгани ҳақидаги хабарини рад этди. Шубҳа остига олинган 12 киши ҳибсга олинди.

Кенг тарғиботларни амалга оширишмоқчи

Бхаратия Жаната парти миллий ижроия қўмитаси Атал Бихари Важпаи ҳукумати томонидан амалга оширилган ишларни кенг тарғиб қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Партиянинг бош котиби Венкай Найдунинг айтишига кўра, ушбу ташвиқотлар бизнинг рақибларимизга кескин зарба бўлади. Партиянинг ижроия қўмитаси мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни ҳам муҳокама қилди. Бундан ташқари Соня Ганди раҳбарлик қилаётган Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг фаолиятини кескин танқид қилувчи сиёсий резолюция ҳам қабул қилинди.

Қитъалараро нефть ўтказгич

Ставрополда қитъалараро нефть ўтказгич қурилиши учун ер ажратиш якунланди. Катта диаметрли ажойибғаройиб нефть ўтказгич Тенгиз конидан Қора денгиздаги Новороссийск портигача чўзилади. Бу 250 километрли нефть магистрали янги йилдаги энг йирик қурилишлардан бири бўлади. У ўлканинг олтита қишлоқ хўжалик туманларидаги унумдор ерлардан ўтади. Шартномалар бўйича Новороссийск орқали хорижга нефть етказиб бериш келгуси асрнинг бошларида амалга оширилади. Йилига 27 миллион тонна нефть ташилади. Келажакда эса, ушбу лойиҳа қуввати икки бараварга оширилади. Бунинг эвазига Ставрополь ўлкаси ҳам фойда кўради. Чунки бунёдкорлик материаллари, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни ўлкадаги тижорат компаниялари, фирмалари ва қатор корхоналар етказиб беради. Қурилишга ажратиб берилган ер учун Ставрополь 70 миллион рубль пул олади. Бундан ташқари ўлкадагилар уч миллион тонна нефть ҳам олишлари мумкин. Бу уларга бир йилга бемалол етади.

ХДП хабари

Ёшлар — бизнинг умидимиз

Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек тумани кенгашида қизиқарли учрашув бўлиб ўтди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг «Камолот» жамғармаси раиси Парда Абдураимов «Ёш қаламкашлар клуби» ва «Ҳар кимнинг қизиқиши бўйича клуб»лари фаолият ҳақида сўзлаб берди. Айниқса «Ёш қизлар клуби» фаолиятида ХДП туман кенгашининг ёрдами жуда катта. Туман хотин-қизлар қўмитаси ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Нотиқ алоҳида ўрнак кўрсатган студентларга ХДП стипендияларини тайинлашни таклиф қилди ва бу тадбирни партияга қизиқишни кучайтириш воситаси, деб таъкидлади.

Тошкент Давлат консерваториясининг «Камолот» жамғармаси раиси Хушнуд Назаров ёшлар билан олиб борилаётган иш асосан мусиқий ва эстетик тарбияга қаратилишини таъкидлади. Масалан, консерватория талабалари кўпгина мактабларда, ўқув юртларида, болалар уйларида хайрия концертлари уюштириб, бундан кейин ҳам шу ишни давом эттирадилар ва ҳозир «Мусиқа ишқибозлари клуби»ни ташкил қилиш билан бандлар. Тошкент Маданият институтининг «Камолот» жамғармаси раиси Феруза Абдураҳмонова ёшлар орасида миллий анъаналар, удумлар бўйича ўтказиладиган ишлар ҳақида, қишлоқ ёшлари орасида миллий ва симфоник мусиқани тарғибот қилиш ҳақида тўхталдилар.

Учрашувда Тошкент Давлат жисмоний тарбия институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети «Камолот» жамғармалари раислари Фаррух Байданов ва Дадахон Хушмуродовлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Раъно САТТОРОВА,
Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгашининг биринчи котиби

Уруғлик мўл бўлади

Бахмал туманидаги «Мустақиллик» ижара ширкатлар бирлашмаси ғаллакорлари 110 гектар майдонда уруғлик ғалла парвариш қилмоқдалар. Бир текисда ундириб олинган ғалла майсаларига иккинчи сув берилмоқда.

— Келгуси йили тўлиқ ғалла уруғи ишлаб чиқарамиз, — дейди ижара ширкатлар бирлашмаси раиси Мухтор Мамиров.

Ғаллакорлар «Сурхак» ва «Юна» нав уруғликдан 45-50 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Таътил завқи Шавкат АКРАМОВ олган сурат

1999 йилги Президент стипендиатлари

Мамлакатимиз раҳбарияти олий малакали илмий ҳамда илмий-педогогик кадрлар тайёрлашга катта эътибор бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясини олиш учун учинчи йил таълим олаётган аспирантлар орасида олти йилдан буён ҳар йили мунтазам танлов ўтказилаётгани бу фикрни тасдиқлайди. Давлат Фан ва техника қўмитасида 1999 йилги стипендиатлар гувоҳномасини топшириш маросими бўлди. Учрашувга шу йилги танлов ғолибларигина эмас, ўтган йиллардаги Президент стипендиатлари ҳам таклиф этилган эди.

Давлат Фан ва техника қўмитаси ҳузурида ташкил этилган махсус эксперт комиссияси ва давлат стипендияларини тайинлаш комиссияси бу йил 44 даъвогардан кўп босқичли ҳар томонлама танловдан сўнг яширин овоз бериш йўли билан фан ва техникани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича танловнинг беш нафар ғолибини аниқлади. Танлов чоғида даъвогарлар топширган имтиҳонлар кўрсаткичларигина эмас, илмий фаолият натижалари, шу жумладан, тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги, мамлакатимиздаги ва хориждаги нашрларда мақолаларни эълон қилингани, шунингдек, патентланган ихтиролар ҳам эътиборга олинди.

— Ўзбекистоннинг ақлий салоҳияти улкан, — деди Давлат Фан ва техника қўмитаси раиси, академик Пўлат Ҳабибуллаев 1999 йилги стипендиатларни табриклар экан. — Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг амалга оширила бошлаган давлат илмий-техникавий сиёсати, жумладан, истеъдодли ёшларнинг ижодий қобилиятини мумкин қадар ривожлантиришга, уларнинг илмий фаолиятга интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Энг иқтидорли аспирантларга Президент стипендиясининг берилиши анъанага айланиб қолди. Вақт ўтган йиллардаги танлов ғолибларини саралаб олиш якунларининг тўғрилигини тасдиқлади. Уларнинг кўпчилиги фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни муддатидан олдин ёқлади, танлаб олган илмий йўналишда тадқиқот ишларини муваффақиятли олиб бормоқда, айримлари эса илмий ишлар билан шуғулланиш билан бир вақтда докторантурада таълим олишни давом эттирмоқда.

Бундан ташқари, Давлат Фан ва техника қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармаси йўли билан ҳар йили 20 нафарга яқин истеъдодли олимларни малака ошириш учун хориждаги етакчи илмий марказлар ва олий ўқув юртларига юбормоқда.

1999 йилги Президент стипендиясига танлов ғолибларини ўтган йиллардаги стипендиатлар ҳам табрикладилар. Улар ўз илмий ишларининг якунлари, давлат ғамхўрлиги ва мадади бу ишда қудратли омил бўлгани ҳақида гапирдилар.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Ҳақиқий ижодкор — деҳқоннинг ўзи

Янги замон — янги кишиларни юзага чиқарди. Ижодий чиниқиш, ташаббускорлик, ерга ва бунёдкорлик меҳнатига муҳаббат янги-янги муваффақиятлар келтирмоқда. Масалан мамлакатимиз жанубидаги Ангор туманининг Қўзи Тўлаков номидаги деҳқон фермер хўжалиги бирлашмасини олайлик. Бу хўжаликда йилига 2-3 мартадан қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили йиғиштирилмоқда. Илғор қишлоқ хўжалик корхонаси таркибига 220 та кичик хўжалик киради. Асосан оилавий хўжаликлар. Уларнинг ҳар бири буғдойдан икки марта ҳосил олмоқда. Сабзавотчилик ва боғдорчилик билан ҳам муваффақиятли шуғулланишмоқда. Айни кунларда хўжаликнинг 205 гектар даласида карам, сабзи, қовоқ ва турли кўкатлар пишиб етилди. Бунинг устига маҳсулотлар арзон бўлганлиги учун барча сотиб олиши мумкин. Нархи 5 сўмдан 10 сўмгача. Шу боис ҳам аҳолининг янги йил дастурхони витаминли маҳсулотларга бой бўлди.

Суратда: фермерлар оиласи қишки карам ҳосилини йиғиштирмоқда.
Искандар ХУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат

Хатлар, хатлар, хатлар

Оёғи ердан кўтарилганов...

«Мен 4 йил аввал ҳамма қатори қонунга биноан «Агро» деҳқон хўжалигини ташкил қилдим. Навоий жамоа хўжалиги ҳудудида 6 гектар ер ўғлим Зариф Қувватов номига берилди. Зариф эса жамоа хўжалигида котиб бўлиб ишлайди. Биз белгиланган режаларни муддатида ортиғи билан бажариб келдик. Бултур 4 гектарга ғалла, 2 гектар ерга пахта экиб режани , яъни шартномавий ҳосилни ортиғи билан топширдик. Баҳорда пахтага сел катта зиён етказган бўлсада ҳосилдорлик юқори бўлди. Фақат қатқалоқ майдонларни бартараф этишда хўжалик уюшмаси бизнинг ҳисоб рақамимизга 30 минг сўм ўтказди. Шундан 17 минг сўм олдик.

Афсуски, Навоий номли жамоа хўжалиги раиси Комил Ҳалилов «Агро» деҳқон хўжалигимизга техника жиҳатдан ёрдам бермади. Биз эса икки сигир ва бошқа молларни сотиб, техника учун накд пул беришга мажбур бўлдик. Деҳқон хўжалиги уюшмаси раиси Ҳазратов бир пайтлар комсомол қўмитасининг биринчи котиби бўлган. Касби зоотехник. У киши отдан тушган бўлсаларда ҳамон эгарда ўтиргандек. Деҳқончилик нималигини билмаслиги ҳаммага аён. Ерга меҳр қўймаган одамнинг раҳбарлик қилишига ҳайрон қоласан. Хўжалик аъзолари ҳам «бу ўзи кимнинг эркаси» деб қўйишади. Бир мисол, пахтадан юқори ҳосил кўтариб турганимизда «Пастдарғом ҳақиқати»дан мухбир келувди. Бирор илиқ гап ўқисак керак деб ўйлагандик. Қаёқда дейсиз. Билсак Ҳазратов бу ишга қаршилик қилиб, «Агро» деҳқон хўжалиги ёпилган, деб мухбирни «лақиллатган».

Яна бир гап. 1996-97 йиллар ҳосилига Чархин пахта тозалаш заводи пулини бермади. Пул йўқ эмиш. Хуллас, туман ҳокимига учрашдим. У киши менга ўн гектардан кам бўлгани учун фаолиятингизни тугатишга тўғри келди, дейди. Аммо, тумандаги 6 гектарли майдонларда деҳқончилик қилаётган кишиларнинг иш фаолиятлари давом этмоқда-ку. Айбимиз нима? Меҳнат қилиб, техникани накд пулга ишлатганимизми ёки ўғитларни сотиб олганимизми? Нега энди Ҳазратов ғўзапоя устидан трактор солдириб юборади? Бу ҳаммаси нафсониятга тегиш эмасми? Ахир биз бир эмас, жами 14 киши тадбиркорликдан умид қилиб, ўзимизга ҳам одамларга ҳам нафимиз тегсин, дея саъй-ҳаракат қилган эдик. Бу масалага бирон бир ойдинлик киритилса деб

Жумабой ҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Таълим мазмуни... биллур қандиллардами?»

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1998 йил 21 ноябрь сонида эълон қилинган «Таълим мазмуни... биллур қандиллардами?» сарлавҳали мақола юзасидан Сурхондарё вилоят ҳокимлигидан қўйидаги жавобни олдик.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Республика Давлат қабул комиссияси рухсати билан 1998 йил 21 октябрь куни мақолада кўрсатиб ўтилган Термиз озиқ-овқат коллежи тантанали равишда очилди. Мақола муаллифи коллежга ташриф буюрсада ўқув корпусида таъмирлаш ишлари бораётганлиги туфайли ўқувчилар учун дарслар устахона ва бошқа хоналарда ташкиллаштирилган эди.

Оддий шиша қандиллар ўқув биносининг фақат кириш қисминигина безаб турибди, ҳозирги кунда коллежнинг 1-2-3- қаватларида ўқувчиларда Ватан тушунчаси, Ватан туйғуси, Ватан ҳиссини теранроқ англашга қаратилган талай ишлар қилинган.

Коллежнинг барча бинолари «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» талабларига мос равишда таъмирланган. Фан хоналаридан ЭҲМ, Физика, Кимё хоналари керакли замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланган. Ўқувчиларнинг инглиз тилини чуқур ўрганиши учун дарсдан ташқари қўшимча тўгараклар ташкил этилган, машғулотлар замонавий лингафон ускуналари ўрнатилган хонада ўтказилмоқда.

Ҳозирги кунда дарсликлар билан таъминланган кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Миллий дастурнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида 1998 йилнинг август ойида коллежнинг 21 нафар ўқитувчилари янги типдаги ўқув юртларида дарс бериш учун Тошкент ва Бухоро шаҳарларида малака ошириш курсларини ўтаб келган.

Вилоят ҳокими
Ж. НОРАЛИЕВ

Иллат ошдами ёки мошда?

Янги иш бошлаб фойда ўрнига зарар кўрилаётгани хусусида

«Намангандонмаҳсулот» акциядорлик жамияти молиявий-иқтисодий салоҳияти бақувват корхона ҳисобланади. Берсанг ейман, дейдиган замон эмас. Улар ҳам изланишди. Чунончи, қисқа вақтда, агар режа амалга ошса корхона қуввати янада ошиши, мустаҳкам бўлиб қолиши мумкин эди.

Инсон — болами у каттами, камқонликка йўлиқмасин. Шифокорлар фикрича, бошқа кўп хасталиклар индаллоси ҳам шу эмиш. «Намангандонмаҳсулот» корхонаси иш фаолиятини кенгайтиришни кўзлаганда анимия хасталигига даво бўладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни танлади. Улар ишлаб чиқармоқчи бўлган плазмали печенье камқонликка шифо экан. Печенье айни вақтда ўсмирларга, кекса ёшдагиларга ҳатто спортчиларга ҳам дармондори вазифасини ўтайди.

Корхона шу мақсадда нон пишириш технологиялари ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланган Австриянинг «Гир Ханделъо ГМБХ» фирмаси билан шартнома тузди. Иш тезлашди. Корхона дармонбахш маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча муҳандислик техника коммуникациялар билан жиҳозланган янги ишлаб чиқариш корпуси ажратди. Ўтган йили декабрь ойида австриялик шериклар жиҳозларни жўнатишни бошладилар. Аниқроғи бир миллион 300 минг АҚШ доллари қийматидаги ускуналарнинг биринчи партияси бир йил муқаддам Наманганга етиб келган. Жами жиҳозлар учун эса 4 миллион 300 минг доллар маблағ керак. Жиҳозларга ҳақ тўлашни зиммасига олган акциядорлик жамияти зарур маблағни топишга ва ишлаб чиқаришни йўлга солишга тайёр.

Бироқ, маблағи, имконияти бўлгани билан корхонадаги ислоҳий ниятлар ниятлигича қолмоқда. Республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ва республика Марказий банки қолган суммани конвертация қилишга «оқ фотиҳа» бермаётир. Оқибатда келтирилган жиҳозлар фойда келтирмаяпти, хорижий шериклар эса хайрон.

— Агар шу муаммони ҳал этишга эришсак, — дейди акциядорлик жамияти раиси Жобирхон Собитов, — жиҳозларни олишимиз биланоқ қисқа вақтда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юборган бўлардик. Бинобарин бизда макарон ва конфет ишлаб чиқариш бўйича цехлар очиш учун ишлаб чиқариш бинолари тайёр. Австрия «Гир Ханделъо ГМБХ» ушбу цехларга қиймати 384 минг доллар

Журналист текшируви

турадиган энг янги жиҳозларни етказиб беришни зиммасига олган. Ўзимизда маблағ бор. Конвертацияга рухсат берилса бас.

Агар кўзда тутилган лойиҳамиз амалга ошса, — давом этади Ж. Собитов, — бундан вилоятимизгина эмас, республикамиз иқтисодиёти ютган бўларди. Бир қарашда жиҳозлар қимматга ўхшаб туюлсада умуман келадиган фойда шубҳасиз катта. Биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнида тўла маҳаллий хомашёдан фойдаланилади. Иккинчидан, таклиф этилган маҳсулотимиз ҳар куни барқарор эҳтиёжга эга. Қисқасини айтганда, харажатларни икки ярим йилда қоплаш мумкин.

«Намангандонмаҳсулот» акциядорлик жамияти конвертация муаммосини ҳал қилолмаётган вилоятдаги ягона корхона эмас. Роппароса бир йил муқаддам «Нам-Том» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ҳам резина пойабзал ишлаб чиқариш учун жиҳозлар олган эди. Нархи 277 минг АҚШ доллари турадиган жиҳозларни Италиянинг «Майн Групп СПА» компанияси етказиб берган эди. Уларнинг ўзбекистонлик шериклари ишончи шу қадар зўр эдики, жиҳозларни улар олдиндан ҳақ олмай етказиб бердилар.

«Нам-Том»нинг ҳозир маблағи бор. Бу маблағни конвертация қилишга рухсатнинг йўқлиги ишга тўғаноқ бўлиб турибди. Боз устига жиҳозлар корхона цехларига ўрнатилган, синов тариқасида спорт пойабзали ва калиш ишлаб чиқарилган эди. Қўшма корхона директори Яҳёхон Маҳмудовнинг фикрларига қараганда, ўрнатиб қўйилган Италия жиҳозлари бир йилдан буён ҳаракатсиз ётибди. Яқинда уларга «Майн Групп СПА» компанияси раҳбарияти суммани тўлаш зарурлигини яна бир эслатиб қўйди. Акс ҳолда Россия Федерациясининг Томск вилоятидаги бошқа шеригига жўнатиш мўлжали борлигини баён қилди.

— Агар Италиянинг ушбу янги линияси бир йилдан буён ишлаб турганида эди, — дейди акционерлик жамияти директори Я. Маҳмудов биз қўшимча равишда яна 120 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлар эдик. Хорижлик шеригимиз бизга яна 400 минг долларлик пойабзал ишлаб чиқариш жиҳозлари етказиб берадиган бўлган эди. Шартномани бажаролмай ҳозир улардан икки карра хижолатда турибмиз.

Ана шунақа. Икки корхона хориждан сотиб олинган энг янги технология жиҳозларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб катта иқтисодий самаралар олиш ўрнига зарарини ҳисоблаб ўтирибди. Чунончи, солиқ идоралари ҳали тўлиқ ишга тушмаган, бироқ асосий воситага айланган чала технологик жиҳозлар учун солиқ ундиришга киришганлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу йил июлда қабул қилинган «1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорига биноан бу лойиҳалар ҳам амалга ошиши керак. Шуниси диққатга сазоворки, лойиҳаларнинг муваффаққиятли амалга ошуви юзлаб кишининг ишли бўлишини таъминлайди. Айни вақтда вилоят иқтисодиётининг мустаҳкам барқарор ва бир маромда ишлаши фуқароларимиз даромади ва турмуш фаровонлиги ошиши билан боғлиқ масаладир.

Назира БОЛТАБОЕВА,
журналист,
Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Миллий давлатчилик бу — миллатпарварликдир

1 Бундан етти йил бурун, собиқ иттифоқ ҳудудида энди пайдо бўлган давлатлар ёлдида кўп жиҳатдан ўхшаш муаммолар кўндаланг турар эди. Шулардан энг асосийси, мустақилликни мустаҳкамлаш эди. Уни ҳал қилиш борасидаги ҳаракатлар ҳеч қаерда бир хил кечмади. Ҳар ким ўзига хос ва мос йўлдан боришга интилди. Бугун Ўзбекистонда мавжуд бўлган ижтимоий осойишталик, иқтисодий барқарорлик ҳам мустақилликни мустаҳкамлаш борасида ўтказилган ва ўтказилаётган тадбирларнинг ҳосиласидир.

Ўзбекистоннинг миллий давлатчиликни ривожлантириш йўли пухта ўйланган иқтисодий ислоҳотларни мунтазамлик билан ҳаётга татбиқ қилишдан ташқари, маънавий соҳада ҳам кенг қўламли ислоҳотлар олиб боришни ўз ичига олар эди. Ёш давлатлар тажрибаси бу вазифани ҳал қилишнинг асосан икки йўли мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Биринчиси, тубжой миллат манфаатларини сиёсий ва ташкилий жиҳатдан устун кўриб ривожлантириш. Бу йўл миллий давлатчиликнинг мустаҳкамланишида энг тез самара беришини тажриба кўрсатмоқда. Бироқ унинг салбий жиҳатлари ҳам борки, улар баъзан мамлакатнинг ички ҳаётида турли кўринишдаги мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин. Жумладан, мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни хавф остига қўядиган этник низолар пайдо бўлишига имкон туғилади.

Иккинчи йўл эса бошқа миллатлар манфаатига дахл қилмаган, аксинча, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай шароит яратган ҳолда, тубжой миллатнинг асрий қадриятларини кенг тарғиб ва ташвиқ этишдан иборат. Миллий манфаатлар устунлиги кўр-кўрона жорий этилишидан фарқли ўлароқ,бу йўл миллатлар орасида ўзаро ҳурматнинг пайдо бўлишига замин яратади. Энг муҳими, тубжой миллатнинг ҳуқуқлари мамлакатдаги барча этник гуруҳлар томонидан ихтиёрий суратда эътироф этилишига олиб келади.

Дунё давлатлари тажрибаси ўзгалар ҳисобига ривожланиш назарияларининг асоссиз ва боши берк йўл эканлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб мустақиллик эълон қилди, биринчилардан бўлиб муқобил асосдаги президент сайловлари ўтказди, биринчилардан бўлиб Давлат тили ҳақидаги Қонунни қабул қилди...

2 Бундай мисолларни кўп санаш мумкин. Лекин асосийси, Ўзбекистонда миллий тараққиёт ўзга миллатлар ҳисобига амалга оширилгани йўқ. Ҳатто ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган бўлса ҳам, рус тилининг давлат ишларига амал қилиш муддати яқинда яна чўзилдики, бундай ҳоллар кераксиз низоларнинг урчиб, болалашига имкон қолдирмаяпти.

Аксинча, миллий қадриятларнинг ривожлантирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк Амир Темур ҳазратларига муносиб иззат-икром кўрсатилгани ўзбек миллатининг ўз қаддини тиклаб олишида муҳим бир босқич бўлган эди. Зотан, миллат ўтмишдаги буюк боболарнинг шон-шавкатига қараб ўзига тўн бичади, қаддини кўтариб, қадрини авайлай бошлайди. Ўзининг буюклигини англаган миллат эса ўзга миллатларга нисбатан адолатли бўлади, уларни камситиш ҳолларига имкон бермайди.

Лекин миллий давлатчиликни мустаҳкамлашда қадриятларни кўтариш йўлидан бориш айни чоғда ўта нозик ва ўта қиммат тадбирлардандир. Нозиклиги шундаки, бу йўлда миллатпарварликдан миллатчиликка оғиб кетиш ҳеч гап эмас. Қимматлиги шундаки, бу иш чуқур илмий изланишлар, кенг кўламли маърифий тадбирлар ўтказишни талаб қилади. Айни чоғда, маърифий тадбирлар лозим даражадаги самарани бериши учун уларни моддий ва молиявий жиҳатдан ҳам таъминлаш лозим. Амир Темур ҳазратларининг номини абадийлаштириш, у зотга муносиб тадбирлар ўтказиш давомида қадимий Самарқанд, соҳибқирон туғилган жой Шаҳрисабз, пойтахт Тошкентда жуда катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилди, ташкилий тадбирларнинг ўзига ҳам миллионлаб маблағ сарфланди. Чунки, шундай моддий харажатларсиз улкан мақсадлар ҳам қуруқ гапдан иборат бўлиб қолиши мумкин.

3 Ўтган йилнинг октябрь ойи сўнггида миллий қадриятларни тиклаш йўлидаги ишларнинг навбатдаги босқичи ниҳоясига етди, дейиш мумкин. Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида ҳадис илмининг султони мақомида бўлган буюк шайх имом Исмоил Бухорий ҳазратларининг 1225 йиллик юбилейи тантаналари ўтказилди. Мазкур тадбирга тайёргарлик аввалига матбуот саҳифаларида бошланди. Кенг жамоатчилик буюк имом мероси билан яқиндан таништирилди. Ислом оламида Қуръони Каримдан кейин иккинчи манба бўлган ҳадисларни тўплашда ва тартибга солишда Имом Бухорий меросининг аҳамияти тарғиб ва ташвиқ қилинди. Буюк муҳаддис асарлари тўплаб, чоп қилинди. Имом Бухорий ҳазратларининг ҳоки пойи ётган Хартанг қишлоғида улкан ва чиройда тенгсиз меъморий мажмуа барпо этилди. Унинг салобати ва маҳобати беқиёс эканлигини хорижлик меҳмонлар ҳам бир овоздан таъкидладилар. Саккиз ой давомида амалга оширилган ишлар кўлами айниқса республика аҳолисининг ақлини лол қилди, дейиш мумкин. Зотан, миллий қадриятларга қайтишда катта ўрин тутадиган бундай сиймолар ҳаёти ва ижоди тарғиб қилинаётганда, моддий фойда келтирмайдиган харажатлардан қочиш акс натижага олиб келиши мумкин эди.

4 Имом Бухорий юбилей тантаналарининг эртаси куни эса жаннатмонанд Фарғона водийсида бошқа бир улуғ ватандошимиз — дунё илм-фанининг тамал тошини қўйган алломалардан бири Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик таваллуд тўйлари ҳам кенг нишонланди. Аҳмад ал-Фарғоний туғилиб ўсган қадимий Қубо — ҳозирги Қува шаҳристонида қиёси йўқ меъморий мажмуа, Фарғона шаҳридаги тантаналар миллий қадриятларга қайтиш ҳақидаги гап — сўзларнинг моддий аҳамият касб этганлигини яна бир бор яққол кўрсатди.

Президент Ислом Каримов ўтган йили ҳам Хартанг қишлоғи, ҳам Фарғонада журналистлар билан суҳбатларида моддий бойликлар зарурлиги, бироқ маънавий қадриятларнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмаслигини қайта-қайта таъкидладилар. Маънавий қадриятлар миллатнинг ўзлигини танишида, миллий давлатчиликни мустаҳкамлашда энг муҳим омил эканлигини қайд этдилар. Миллий қадриятларга давлат миқёсида эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама тарғиб-ташвиқ этиш энг муҳим сиёсий масалалардан бири эканлиги ҳам тадбирлар давомида яна бир бор кўринди.

Шу ерда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. Миллионлаб маблағ сарфланган бу тадбирлар миллий қадриятлар тикланиши йўлидаги муҳим қадам бўлишидан ташқари, давлатнинг иқтисодий қудрати тобора мустаҳкамланиб бораётганидан ҳам бир далолатдир. Зотан, қорни оч одамнинг парча нон топишдан бўлак илинжи бўлмагани каби, иқтисодий ночор давлат ҳам маънавият масалаларига эътибор қилишга қодир эмас.

Бундай тантаналар миллатнинг ўз кучига ишончини оширади. Келажакка ишонч билан қарашга ўргатади. Ёш мустақил давлат учун эса бу биринчи даражали муҳим масаладир.

Мусулмон НАМОЗ

Навоийни ўқиган ва уққан раис

Янги замон одами

— Хўжаликка ўн йил муқаддам раис бўлиб келганман. Ўша йил якуни бўйича йил давомида сарф қилинган дизель ёқилғисини ҳисоблаб кўрсам — 1420 тонна кетибди. Кейинги йил 900 тонна сарфланди. Бир йилда 500 тонна қисқартирдик. Йил сайин қисқартириб боравердик. Бу йил 680 тонна дизель ёқилғиси ишлатишни режалаштирганмиз. Экин майдонлари, экинлар ўша-ўша, бундан ўн йил олдинги каби.

Хўжайли туманидаги «Азатлиқ» корпорацияси раиси Кўбей Ортиқовнинг гапларини эшитиб туриб, меҳнатни ташкил этишнинг янги усуллари уюшма корпорацияга айлантирилган 1994 йилдан анча олдин қўлланила бошланганини англадим.

Корпорацияда аввалги 8 бригада асосида 12 деҳқончилик агрофирмаси ташкил этилди. Механизация хизмати кўрсатувчи «Темиробод», уруғлик, агрономия хизмати билан таъминловчи «Ҳосил», омбор хизмати кўрсатувчи «Омонат» ва бошқа агрофирмалар бор.

Корпорация раиси қишлоқ хўжалик маҳсулоти етказиб бериш бўйича деҳқончилик агрофирмаси бошлиги билан, агрофирма бошлиғи эса ўз ҳудудидаги пудратчи билан шартнома тузади. Агрофирмалар бевосита ўзаро алоқа қиладилар. Пудратчи ҳар хил ҳисоблар, юкхатлар билан корпорация ҳисоблаш марказига тез-тез келади. Даромад-буромадларни ҳисоб-китоб қилади, иш ҳақи олади. «Азатлиқ»нинг деҳқонлари ҳозир аввалгидек «далада кўриндим, ойликни чўз, раис ота» қабилида фикрлашмайди. «Даромад» тушунчаси «ойлик» тушунчасини деярли сиқиб чиқарган. Деҳқонлар даромад қилишсагина иш ҳақи олишларини билишади. Шунинг учун етказаётган маҳсулотларининг таннархини арзонлаштиришга ҳаракат қилишади.

— Энг яхши келган йилда ҳам кўсак қурти гектаридан икки центнер ҳосилни «ейди». Кўсак қуртига қарши курашиш учун бизга ўртача бир неча тонна заҳарли химикатлар керак бўлар экан. Бу — икки миллион сўм атрофида бўлади. Ҳали тарнспорт харажати, ишни ташкил этиш, табиатга ва одамларга етказиладиган зарарни ҳисобга олмаганда. Бизга лозим бўлган миқдорда габробракан ҳашорати етказиб бериши учун биолабораторияга 100-150 минг сўм миқдорда маблағ керак бўлади... — Бу корпорация раиси Кўбей оғанинг ҳисоб-китоблари. Ана шундай ҳисоб-китобларнинг натижаси туфайли ўтган йил деҳқончиликдан салкам 63 миллион сўм даромад қилинди. 12 миллион сўмдан кўпроғи соф даромад!

... Телефон жиринглайди. Қабулхонадан ёрдамчининг дона-дона қилиб маълумот бераётгани эшитилади:

— Э-э, ҳар куни маълумот, ҳали унга, ҳали бунга ... экинни маълумот учун экмаймиз, ҳосил олиш учун, ўзимиз учун экамиз ахир.

Кубей оға қўл остидагиларнинг иш билан машғул бўлганини яхши кўради. Шунинг учундир — Хўжайли туманида уюшмаларга тарқатиш учун жами 50 тўплам шина олинган бўлса, «Азатлиқ»нинг ўзи 75 тўплам олди. Бевосита заводларнинг ўзидан. Бошқа эҳтиёт қисмлари ҳам шундай. Ҳисобингда пулинг нақд бўлса, ҳеч кимга ёлвормайсан, кўрсатма ҳам кутмайсан.

Озгина вақт ичида Кўбей Ортиқовнинг қандай одамлигини, қандай раҳбарлигини билиб олдим. Шундай бўлса ҳам, «қандай китоблар ўқишингни айт, кимлигингни айтиб бераман», деган нақл ёдимга тушдию, раис бир фурсатга қабулхонага чиққанида столи устидаги хатчўп қолинган китобларнинг номига бир назар солдим: «Ҳайр-ул-Аброр», «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», «Менежерлар учун экономика», «Дейль Карнеги...»

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Янги йилга катта умид ва қатъий ишонч билан

Мана 1998 йил ҳам мозийга айланди. Бу учинчи минг йиллик томон яна бир қадам ташланди деганидир. Хўш, тарих саҳифаларидан жой эгаллаётган ушбу йил мазмунан қандай бўлди? У инсониятга нималар берди ва қандай мерос қолдирди? Унинг қайси жиҳатларини биз авайлаб сақлашимиз, давом эттириб, йигирма биринчи асрга олиб ўтишимиз даркор? Давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ва башоратчилар, қолаверса, ҳар бир кишининг бу саволларга жавоб қидириши, хулосалар чиқариши табиий. Чунки, йилни якунлашдан биринчи мақсад қилинган ишларга баҳо бериш бўлгани билан, бу иш кўпроқ эртанги кунга, навбатдаги вазифаларни аниқлаш, кучларни чамалаб кўриш, муваффақиятсизликлардан сабоқ чиқаришга қаратилган. Каминанинг ушбу машқига шу йўналишдаги бир уриниш, деб қарашни истар эдим.

Мураккаб ва зиддиятли йил

1998 йилга халқаро миқёсда умумий баҳо бериш керак бўлса, мен уни мураккаб ва зиддиятларга бой йил, деб баҳолар эдим. Дарҳақиқат, дунёнинг турли қитъалари ва минтақаларидаги аҳвол ва содир бўлган воқеаларга назар ташласак, ўтган 12 ой давомида, авваламбор, инсониятнинг тараққиёт сари янги қадамлар қўйганини (Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Хитой ва бир қатор бошқа давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилиги, АҚШ ва Россия инженер-техник ходимлари ҳамда космонавтларининг фазода фаолият кўрсатувчи янги халқаро станцияни қуришга киришганликлари), тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар (ЕҲХТ ва НАТОнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Югославиянинг Косово вилоятидаги миллатлараро можаронинг янги уруш ўчоғига айланишига йўл қўйилмаганлиги, Вашингтон ҳомийлигида Исроил-Фаластин музокаралари давом эттирилиб, Президент Б. Клинтоннинг унга туртки бериш мақсадида Яқин Шарққа сафар қилгани) кўрилганлигини эътироф этмоқ даркор.

Бироқ, таҳлил этилаётган давр инсоният учун кўп жиҳатдан ташвишли бўлди. Курраи заминдаги мамлакатлар ва халқларнинг минглаб ришталар билан ўзаро боғлиқлигини 1997 йилнинг сўнгги ойларида Жанубий-Шарқий Осиёда бошланиб, яшин тезлигида ғарб давлатларига ёйилган жаҳон молиявий бўҳрон мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай, бир қарашда тор соҳадаги нохуш воқеаларнинг салбий ижтимоий-сиёсий, ҳаттоки, маънавий-руҳий оқибатлари борлигини тан олмай илож йўқ. Молиявий тўфон оқибатида кўплаб банк ва саноат корпорациялари синдилар. Япония, Гонконг, Жанубий Кореядаги баъзи банкларнинг раҳбарлари жонларига қасд қилдилар. Индонезия Президенти Сухарто ҳокимиятдан ажралди, Япония бош вазири Р. Хосимото ўз ўрнини бошқа кишига бўшатиб беришга мажбур бўлди. С. Кириенко бошчилигидаги Россия ҳукумати истеъфога чиқарилди. Миллионларча кишилар ишсиз қолдилар. Озиқ-овқат молларининг нархи ошиб кетди. Кўплар ўзларининг шахсий жамғармаларидан ажралдилар. Жаҳон миқёсидаги иқтисодий инқироз хавфи туғилди. Устига-устак, марказий Америка давлатларининг халқ хўжалиги кучли довуллардан катта зарар кўрди. Ғарб уларга ёрдам қўлини чўзган бўлса-да, бартараф этиш қийин ишдир. Дунёда рўй берган нохуш воқеалар қаторида Ҳиндистон ва Покистоннинг ўз ядровий қурилмаларини ер остида портлатганликларини эслатиш лозим. Бу билан улар ядровий қурол-яроғларни тарқатмаслик халқаро шартномасини инкор этиб, жаҳон ҳамжамиятининг ядровий хавфни камайтиришга қаратилган уринишларига салбий таъсир кўрсатдилар. Ҳиндистон ва Покистоннинг АҚШ, Ғарбий Европа давлатлари, Япония ва бошқа кўпгина мамлакатлар билан муносабатларига совуқлик тушди. Улар ядровий синовларни қораладилар, Ғарб давлатлари эса иқтисодий жазо чораларини қўлладилар. Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан ҳоли зонага айлантириш ташаббуси билан чиққан Ўзбекистон ҳукумати Деҳли ва Исломободнинг ядровий синовларига ўзининг салбий муносабатини баён этди ва уларни ушбу қурол-яроғларни тақиқловчи халқаро битимга дарҳол қўшилишга даъват этди.

Йил давомида Ироқ теварагидаги воқеалар дунёга хавф солиб турди. Агар февраль ойида Саддам Ҳусайннинг ҳарҳашаси оқибатида пайдо бўлган уруш хавфи БМТ ва нуфузли давлатлар (Россия, Хитой, Франция) саъй-ҳаракатлари туфайли бартараф этилган бўлса, декабрь ойида шундай вазият такрорланганида (яъни Батлер комиссияси фаолиятига Бағдод раҳбарияти тўсқинлик қилганида) АҚШ ва Буюк Британия қуролли кучлари ҳеч иккиланмасдан Ироқ ҳарбий иншоотларига ракета зарбалари бердилар. Америка ҳарбийларининг айтишича, бунинг натижасида Ироқнинг оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш салоҳиятига жиддий зарар етказилган бўлинса-да, ундан тарқаладиган хавф тўлиғича бартараф этилгани йўқ. Бунинг устига, ракеталарнинг бир қисми фуқаро иншоотларига келиб тушганлиги сабабли, тинч аҳоли ўртасида ўнлаб қурбонлар ва ярадор бўлганлар бор. Айрим мамлакатлар ўз халқи тўғрисида ўйламаётган Ироқ раҳбариятини айблаб, Вашингтон ва Лондон ҳаракатини ёқлаган бўлсалар, баъзилари уни қораладилар. Қандай бўлмасин, жаҳон ҳамжамиятининг бундан кейин ҳам бу муаммо устида бош қотиришига тўғри келади.

Афсуски, 1998 йилда Афғонистон муаммосининг ечимини топиб бўлмади. БМТ ва қатор давлатларнинг саъй-ҳаракатлари (БМТ махсус миссиясининг дипломатик қадамлари ва манфаатдор саккиз мамлакат вакилларининг Нью-Йоркда учрашуви, қўшни давлатларнинг ташаббус ва таклифлари)га қарамасдан, Толибон ҳаракати қуролли кучлари билан уларга қарши турган шимолий иттифоқ қуролланган тўдалари ўртасидаги жанглар давом сусайиб, дам кучайиб, мамлакат аҳолисининг ёстиғини қуритишни давом эттириши билан бир қаторда бутун минтақа тинчлигига хавф туғдириб турди. Афғон фожиасининг асосий сабабларидан бири мамлакат ишларига ташқи кучларнинг аралашуви, хорижий давлатлардан оқиб келаётган молиявий мадад ва қурол-яроғ эканлиги янада яққолроқ намоён бўлди. Афғонистон тинчимас экан, на Марказий Осиё давлатлари ва на бутун дунё ундан тарқалаётган хавф-хатардан қутилиши мумкин, деган ҳақиқатни эндиликда ҳеч ким инкор эта олмайди. Чунки, бугунги Афғонистон террорчиликнинг йирик маркази, наркотик моддалар кўплаб етиштирилиб четга чиқарилаётган асосий минтақалардан бирига айлангандир. Бундан келиб чиқадиган асосий сабоқ шуки, афғон муаммосини барча тинчликсевар мамлакатлар, халқлар, халқаро ташкилотлар биргалашиб, куч-ғайратларини бирлаштириб ҳал этишлари даркор. Бошқа йўл йўқ.

Йил давомида Африка қитъасини Бурунди, Руанда, Конго демократик республикаси, Гвинея-Бисау, Жазоир, Судан, Сомали, Сьрра-Лионе, Ангола, Эритрея ва айрим бошқа мамлакатлардаги қуролли можаролар давом этиб келди. Жанговор ҳаракатлар оқибатида кўплаб шаҳар ва қишлоқларга катта моддий зарар етказилди, миллионлаб кишилар бошпана, озиқ-овқат ва тиббий ёрдамсиз қолди, қочоқлар оқими кучайди, БМТ, Халқаро қизил хоч ва ихтиросослашган ташкилотларнинг кўмаги ҳамма жойга, барча муҳтожларга етиб бормаслиги боис, оммавий касалликлар, қашшоқлик ва саводсизликка қарши самарали курашиб бўлмаётир. Бир-бировларига ишонмаслик, муросасизлик, қарши томоннинг манфаатларини ҳисобга олмаслик, оддий кишилар тақдирига беписандлик турли можароларнинг умрини узайтирмоқда, уларни бартараф этишни қийинлаштирябти. Янги йилга мерос бўлиб ўтган «оловли нуқта»лар муаммосини ҳал этиш бутун инсоният зиммасига тушган оғир вазифа. Ҳозирги ўзаро вобаста дунёда шу йўлдан боришгина, ялпи тинчликни таъминлаш мумкин.

Бойлар ҳам йиғлайдилар, деганларидай, иқтисодий юксак ривожланган, ҳарбий жиҳатдан қудратли, демократия тамойиллари қарор топган АҚШда ҳам жамиятни ларзага келтирган воқеалар рўй берди.

Хуллас, олдинги, зиддиятларга бой йилдан инсониятга турли хайрли ишлар билан бир қаторда, кўплаб мураккаб муаммолар ҳам қолди.

Ислоҳотлар туфайли

1998 йилдаги салбий воқеаларнинг таъсири бизнинг юртда ҳам сезилди, албатта. Чунончи, об-ҳавонинг ноқулайлиги боис, қишлоқ хўжалигимизнинг етакчи тармоғи — пахтачиликда кўзланган марралар эгалланилмади. Экспортимизда асосий ўрин эгаллаган пахта толаси, олтин, рангли металлар, нефть маҳсулотлари нархлари жаҳон бозорида сезиларли даражада пасайганлиги сабабли валюта тушумлари камайди. Шундай бўлса-да, мамлакатимиз ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий пойдеворини бунёд этишда янги дадил қадамлар қўйишга муваффақ бўлди. Ялпи ички маҳсулотнинг 4,4 фоизга кўпайиши, бюджет камомадининг белгиланган миқдордан камроқ бўлганлиги, олтин заҳираси ҳажмларини сақлаб қолган ҳолда, ташқи савдода ижобий балансга эришилганлиги, иқтисодиётимизнинг, инқирозга учрамай, қийинчиликларни енгиб, олдинга бораётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда ўтган йилда иқтисодиёт соҳасида қилинган ишларни таҳлил қилиб, шу йилнинг 23 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида **«... йилнинг энг муҳим натижаси — бу шаклланган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши бўлди»,** деб таъкидлади.

Ҳукуматимиз аҳолини мақсадли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати доирасида, ишчи-хизматчиларнинг маошлари, нафақа ва стипендияларни индексациялаш, фуқароларнинг уй-жой, сифатли ичимлик суви ва табиий газга бўлган эҳтиёжларини қондириш йўлидан бормоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурларини амалга оширишга етарли миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Бобокалонларимиз Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийларнинг муборак тўйлари миллий истиқлол маънавиятини шакллантириш йўлида қўйилган салмоқли қадамлардан бўлди.

Мамлакатимиз парламенти эса ўнлаб кодекс ва қонунларни қабул қилиб, давлатимизнинг ҳуқуқий пойдеворини кенгайтириш, жамиятни демократиялаштириш ишига муҳим ҳисса қўшди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ҳам ортда қолган йилда фаол ва анча самарали бўлди. Раҳбариятимиз толибларининг Афғонистон шимолига юришлари кучайгани муносабати билан мамлакатимиз жанубий чегаралари яқинида пайдо бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш чораларини кўрди, Тожикистондаги тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаб келди. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Россия Федерацияси ва Молдова билан икки томонлама ва кўптомонлама алоқаларни кенгайтиришга қаратилган қатор шартномалар имзоланди. Президент Ислом Каримовнинг Болгария, Исроил ва Туркияга расмий ташрифлари натижасида республикамизнинг ушбу мамлакатлар билан алоқалари янги поғонага кўтарилди. Мамлакатимизнинг нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги давом этади. Шу маънода олганда, НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига мувофиқ «Марказий Осиё батальони — 98» машқлари 1-2 давраларининг республикамизда ўтказилиши, Тошкентда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг юксак мартабали делегацияси иштирокида «Атроф-муҳитнинг минтақавий муаммолари ва уларни ҳамкорликда ҳал қилиш йўллари» мавзуида халқаро анжуманнинг бўлиб ўтиши фикримизни тасдиқловчи ёрқин мисоллардир. Хусусан, ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессияси якунловчи мажлисининг пойтахтимизда ўтганлигининг аҳамияти беқиёс. Зеро, унда қабул қилинган Тошкент декларацияси сайёрамизнинг барча халқларини йигирма биринчи асрга уруш, зўравонлик ва ижтимоий тенгсизлик каби иллатлардан ҳоли бўлган тинчлик маданияти сари қадам ташлашга даъват этади. Бу билан халқимизнинг тинчликсеварлиги, мамлакатимизнинг минтақавий ва умумжаҳон тинчлик ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси эътироф этилди. Ҳа, Ўзбекистон, доимгидек инсониятни тинчликка, ҳамкорликка чорлайди.

Бу ютуқларга мустақил Ўзбекистон раҳбариятининг оқил ички ва ташқи сиёсати, давлатимизнинг ислоҳотлар ишига раҳнамолик қилаётганлиги ва ватандошларимизнинг янгиланиш йўлидан қатъий бораётганликлари туфайли эришилганлиги сир эмас. Ушбу омилларнинг бундан кейин янада кучайиши турган гап. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида қатъият билан, келаси 1999 йилда мамлакатимиз ривожланишида ўсиш бўлади, дейишларига тўла асос бор.

Собир ҚУРБОНОВ

«Врестлинг»да мағлуб ўлдирилади

Чет элларда пул топиш қўйида нима ишлар қилинмайди, дейсиз. Ҳатто 15-20 метр баландликдан пастдаги қумга калла ташлаш мусобақаси мавжуд. Американинг олдиқочди фильмларида пул учун рингга чиқиб, бир-бирини маҳв қилаётганларни «тўйиб» томоша қилаяпмиз. Врестлинг ҳам ана шундай пул топиш учун ўйлаб чиқарилган мусобақалардан биридир.

Америкада врестлинг астасекин оммалашиб бораяпти. Бокс тушувчи боксёр дейилса, улар ўзларини врестлер, яъни олишувчи деб атайдилар. Ўйин раунд, тайм каби бўлимларга ажратилмайди, маълум бир вақт ҳам белгиланмайди. Врестлар нафақат рингда, балки рингчача бўлган йўлакда ҳам олишишлари мумкин. Ёш, вазн, жинсий тушунчалар уларга буткул бегона. Уларнинг қонуни ўз рақибини иложи борича ваҳшийроқ усулда мағлуб этишдан иборат. Шунинг учун учта учрашувдан иккитаси ўлим билан тугайди. «Бизнинг олишувларимизга томошабинларнинг қизиқиши ортса ортаяптики, қамаймаяпти, — дейди «Пиллар» (Устун) деган врестлер. — Ҳаёт, барибир, бир кунмас, бир кун тугайди. Уни рингда, томошабинларнинг олқишлари остида якунласам нима бўлибди?».

Томошага кириш чипталари ҳар гал 100 доллардан 2000 долларгача кўтарилиб кетади, негаки, давангирлар бир-бирларини уриб мажақлашларини яқиндан ўтириб томоша қилишга не етсин? Бунинг устига жанг бошлангач, катта пул тикилиб, ўйналадиган гаровлар ҳам ҳар бир томошабинни рингда бўлаётган солишишларни ҳаяжон билан кузатишга мажбур қилади.

Врестлерликка одатда бақувват, қўлидан уришиш келадиганларни танлашади. Ҳар бир врестлернинг баданига ўйиб ёзилган эмблемаси бўлиши шарт. Агар врестлер бешта жангда ғолиб чиқса, ўзига бирон ҳайвонни, бўғма илон, ит ва ҳоказони шерик қилиб олиши мумкин. Баъзи клубларда занжир, пичоқ, олов пуфлайдиган тўппонча, аркон, калтак ва темир ахлат қутиларига ўхшаш нарсаларга ҳам рухсат берилади. Врестлингнинг ташкилотчилари икки муносиб рақибни рингга туширгач, ўн дақиқа мобайнида уларни ўз ҳолига ташлаб қўйишади. Мусобақалар ҳакамсиз ўтказилади, чунки назорат қиладиган қоида бўлмайди. Кимдир ғолиб чиқса, жанг тугайди. Мабодо ғолиб аниқланмаса, ҳар беш дақиқада янги жангчи майдонга киритилаверади ва бу бир соату ўн беш минут давом этади. Рингда ўн бешта жангчи тўплангач, ит эгасини танимайдиган даражадаги ур-йиқит бошланади. Ҳатто икки-учтаси бир бўлиб бошқа биттасини пўстагини қоқиши ҳам мумкин. Енгилгани рингдан чиқиб «қуён» бўлади. Ҳеч ким индамаса, у қочиб қутилади. Лекин кўпинча қочоқни тутиб келтиришади ва ҳаммаси бир бўлиб «шўрлик»нинг додини беришади. Томошабинларга ёқадиган жойи айнан шу ери бўлади. Улар қийқиришиб зални бошларига кўтаришади.

Баъзида рақибнинг зўрлигига ақли етган жангчи бир-икки мушт «егач», ўзини ўлганга солиб ётади. Шунда ғолиб уни томошабинлар талабига биноан истаган кўйга солади. Ёки индамай ютуқ пулини олиб, кейинги жангга тайёрланаверади.

Врестлерлар орасида ҳар бир жангчининг ўз нархи бор. Мағлубга белгиланган пулни клуб ғолибга тўлайди ва кейинчалик бу пул суммаси унинг нархига қўшиб ҳисобланади. Энг арзон жангчи 15 минг доллар атрофидаги қийматга эга, қимматлари эса юқоридаги сонга яна бир неча нол қўшилганидан иборат.

Бу жанглар доимо бир бойваччанинг ҳомийлигида ўтади. Ғолиб чиққан жангари ғолибларнинг пулидан ташқари ўша бойваччанинг мукофотини қўлга киритиши мумкин.

Маълумотларга қараганда, ҳали бирор урушқоқ кетмакет ўнта жангдан тирик чиққан эмас. Ҳозирги энг кучли деб ҳисобланаётган Визард (сеҳргар) ҳам эндигина еттита жангдан тирик чиққан, холос. Лекин, шунга қарамай, ўтган сафар анча кучли (175 долларга баҳоланган) рақиби унинг чап қўлини синдиришга муваффақ бўлди.

Қулдорлик давридаги Римда мавжуд бўлган гладиаторлар жангига ўхшаш бу ваҳшиёна ўйин бугунги кунда Америкада пайдо бўлди.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, врестлинг деб аталувчи мусобақа ҳайвонийликдан ўзга нарса эмас. Бу мусобақаларга маълум қоидалар киритилиб, спорт турига айлантириладими ёки йўқолиб кетадими, буни вақт кўрсатади.

Наргиза НОРМАҲМАТОВА,
ТошДУ журналистика факультети талабаси

Шариат — кураш қуроли эмас

Чеченистон Президенти Аслан Масхадов шариатни ҳокимият учун кураш қуролига айлантиришга йўл қўймайман, — деди. — Чеченистонда битта хўжайин — Президент бор ва бундан буён ҳам у хўжайин бўлиб қолади. Парламент ҳам қолаверади ва фаолият кўрсатаверади, деди у. Масхадов Россия билан давлатлараро шартномани имзолаш ҳақида ҳам гапирди. Унинг сўзларига қараганда бу Шимолий Кавказдаги барқарорликни таъминлаш йўлидаги ягона ҳаракат бўлади.

80 минг доллардан маҳрум бўлди

СССРнинг собиқ президенти Михаил Горбачев Германиянинг «Бунте» журнали орқали «Примаков ҳукумати — Россия учун сўнгги имкониятдир», — деди. Гарчи Россия ўта оғир қишни ўтказаётган бўлса-да, биз бу синовларга бардош берамиз. Ўтган йилнинг август ойида Россия банк тизимидаги инқироз натижасида у ўз жамғармасидаги 80 минг доллардан маҳрум бўлган эди. Бу албатта фожиали, деди у. Ахир мен бошқараётган жамғарма ана шу маблағ ҳисобига яшардида. Собиқ президентнинг маслаҳатчиси Павел Палашенко Горбачев банкротлик арафасида турибди, деган хабарларни рад этди. Бинобарин Горбачев ҳозир Қўшма Штатлардаги лекциялардан ва совет тарихи ҳақидаги китобларидан каттагина қалам ҳақи олмоқда. Шу боис ҳам, Горбачевнинг пуллари яна ўзига қайтади.

Даъвогарлар кўпаймоқда

Исроил Бош вазири Нетаньяху Ликуд блоки аъзоларини май ойида бўладиган сайловларгача партияни тарк этмасликка даъват этди. Кейинги пайтларда улар партия раҳбари Нетаньяхудан узоқлашишга ҳаракат қилишмоқда. Мудофаа вазири Мордехай ва алоқа вазири Ливнат сайлов компаниясида қатнашишмоқчи. Қишлоқ хўжалик вазири Эйтан ҳам бош вазирликка сайловга ўз номзодини қўйди. Собиқ молия вазири Меридор ҳам бош вазир бўлмоқчи.

Ёрдамга муҳтожлар камаймаяпти

БМТнинг ёрдам кўрсатиш идораси раҳбари Катрин Бертининнинг айтишига кўра, бу йил тезкор озиқ-овқат ёрдами кўрсатишга муҳтожлар камаймайди. Марказий Америкадаги тўфон, Россия ва Индонезиядаги иқтисодий инқироз, Косово ва Анголадаги нотинч вазият, Судандаги ҳарбий тўқнашувлар бунга сабаб бўлади. Бертининнинг маълумотларига кўра, ер юзида 800 миллион киши етўйиб овқат емайди. Куни кеча Шотландиянинг шимолидаги тоғларда юз берган қор кўчкиси натижасида тўрт киши ҳалок бўлди.

Латифа ўрнида

Фойда кўриш йўли

Буюк британиялик Кейт Уомсли довул турган пайтда ўз автомашинасида шаҳар кўчаларидан бирида кетаётганди. Шамол эса борган сари кучаярди. Ниҳоят, автомашиналар ҳаракатдан тўхташга мажбур бўлди. Кейт ҳам бамайлихотир шамолнинг шаҳди пасайишини кутиб, машинасини тўхтатди-ю, кута бошлади.

Бирдан олдинда тўхтаб турган машинадан ёшгина йигит шошиб тушди. Тўппа-тўғри келиб унинг машинасининг олди ойнасини қаттиқ-қаттиқ ура бошлади. Кейт ойнани очди. Йигит кўполлик билан деди:

— Шефим: ҳар қандай вазиятдан фойда кўришнинг йўлини қидир, дейди. Айтингчи, сизга икки қаватли машина ойнаси керакмасми? — деди у.

— Йўқ, — деди Кейт. — Умид қиламанки, сиз билан бошқа учрашмасак, бунга ҳеч хожат қолмайди.

Телесериал қаҳрамонлари «уйимизда»

Курскликлар телесериалларни жондан севишади. Шунданми «қаҳрамонлар»дан ҳеч ажралишни исташмайди. Улар сериаллар юлдузларини «ўзлариники» қилиб олишган.

Ажабланманг, бунинг кўпам қийин ери йўқ. Итингиз, мушугингиз, сичқон, чўчқа, хуллас, хонадонингизда уй ҳайвони борми? Бўлди.

Ҳозир Курск шаҳар ва қишлоқларида кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларида телесериал қаҳрамонлари — Жин лақабли эчки, «Кейт» така, «Мейсон» деган мушукни тез-тез учратасиз. Изаура лақабли сигир ҳам бор.

Хуллас, юлдузлар оғилхонада, йўғ-э, орамизда бемалол «юришибди».

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади

Ҳаммаси эмас

Юлдуз итни асради

Буюк Британияда ҳайвонлар ҳам тартиб-қоидани бузса қаттиқ жазоланади. Итларга бировга ҳуриш, ҳидлаш қатъиян таъқиқланади.

Шотландиядаги Петерхед шаҳридаям қонун шу. Ўткинчи йўловчига акиллаган Вуфи лақабли итни ҳам олий жазо кутади, хўжасига эса 200 фунт стерлинг жарима солинади.

Вуфининг ҳаётидан англияликлар билан бирга французлар ҳам саросимага тушишди. Франциялик кино юлдуз Брижит Бардо «тўрт оёқ» судланувчига ёрдамга шошилди. Эдинбург судида Вуфини «оқлашди» — ўлмай қолди.

Хўжаси Анна ва Терри қувончдан кўз ёши тўкишди. Уларнинг айтишича, машҳур кино юлдуз ва ҳайвонот оламининг шафқатли ҳимоячиси Брижит Бардо судда ҳал қилувчи қарорга ўз «юлдузлик» таъсирини ўтказа олган.

Вуфи «огоҳлантирилди», хўжаси жарима тўлади. Қизиқ, итлар ҳам «огоҳлантириш»ни бўзмасмикан?

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Индонезия Сухартони Португалияга бермоқчи эмас

Шарқий Тиморда инсон ҳуқуқларини бузганлиги муносабати билан Индонезиянинг собиқ президенти Сухартони Португалияда суд қилишмоқчи эди. Бироқ, Индонезия адлия вазири Мулади мамлакат Сухартони Португалияга бермайди, деди. Вазирнинг айтишига кўра, собиқ давлат раҳбари фаолиятини муҳокама қилишга Индонезиянинг ўзи тўла ҳақли.

Жиноий иш қўзғатилди

Ҳиндистоннинг Гужарат штатида христиан жамоаси вакилларига нисбатан қилинган террорчилик ҳаракатлари кўпчиликнинг ғазабини келтирди. Ушбу иш юзасидан 43 киши ҳибсга олинди ва 13 та жиноий иш қўзғатилди. Лекин шунга қарамай Сурат шаҳрида яна иккита черков ёндириб юборилди. Ушбу ҳаракатлардан мақсад диний жанжалларни кучайтиришдан иборат эканлиги маълум бўлиб қолди.

Исломободда қотиллик

Ниқобли террорчилар Покистон пойтахти марказида хитойлик бизнесменнинг автомобилига хужум қилишди. Қорни ва оёғидан яраланган бизнесменнинг хотини шифохонада оламдан ўтди. Лекин ҳеч бир ташкилот ушбу жиноят учун масъулиятни ўз бўйнига олмади.

Муҳаббатнинг ўти бор, қорни-да писанд этмас

Абдулғани ЖУМА олган сурат

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

Омад келса, ҳеч гапмас...

Спорт

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган МДҲ чемпионлари кубоги учун баҳснинг аҳамияти ортиб бормоқда. Боиси, янги мавсумга ҳозирлик кўраётган чемпионларнинг нияти-ю «оёқ олиши» йил бошидаёқ аён бўлади. Зеро мукофот жамғармаси мўмайгина бу турнирдан манфаатдор бўлиш тобора мураккаблашмоқда. Гап шундаки, бу йилдан бошлаб баҳслар янгича қоида бўйича ўтказиладиган бўлди.

Энди 16 жамоа тўрт гуруҳга бўлинади. Дастлабки саккиз жамоа — «А» гуруҳида «Спартак» (М), «Динамо» (Тб), «Днепртрансмаш» (Могилев), «Жальгирис» (Вильнюс): «Б» гуруҳида «Динамо» (К), «Сконто» (Рига), «Копетдоғ» (Ашгабад), «Кляпаз» (Гянжа) клублари бевосита ғолиблик учун курашадилар. Яъни гуруҳларда 1-2 ўринларни эгаллаганлар ярим финалга чиқиб, финални кўзлайдилар. Қизиғи шундаки, қолган саккиз жамоа «ўринбосарлар» номини олиб турибди. Демак, баҳс иштирокчилари кучли ва кучсизлардан иборат бўлади.

Мамлакатимиз футболчилари бу баҳсларда яхши иштирок этиша олмаётгани мухлисларга маълум. Анча йиллар илгари «Нефтчи»нинг финалга чиқанини айтмасак, кейин «Навбаҳор», МҲСК футболчиларининг омадлари юришмади. Шунинг учун ҳозир «Пахтакор» ўзига хос жазоланиб турибди. Чемпионларимиз «ўринбосарлар» гуруҳида тўп сурадилар. Улар «Д» гуруҳида «Елимай» (Семипалатинск), «Цемент» (Арарат), «Варзоб» (Душанбе) жамоалари билан майдонга тушадилар. Агар пахтакорчилар гуруҳ ғолиби бўлишса келаси йили кучлилар сафида совринга даъвогарлик қиладилар. Бунинг учун «Пахтакор» яна бир бор чемпион бўлиши даркор. Бўлмаса улар ўз ўринларини ҳамюртлари бўлган янги чемпион жамоага бўшатадилар. Хуллас, омад келиб футболчиларимиз яхши ўйин кўрсатишса мавқе ҳам шунга яраша бўлади. 23 январда «Пахтакор» — «Цемент» учрашуви бўлади. 24 январда «Елимай», 26 январда «Варзоб» жамоалари билан учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган. Ана шу ўйинлардан кейин кўп нарса ойдинлашади.

Жадаллаган етар муродга

Ислоҳот ва масъулият

«Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамиятида хўжалик юритишнинг самарали шакллари фаол қидирилмоқда

Корхонанинг бозор иқтисодиёти шароитидаги фаолияти ҳақида сўзлаб беришни ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Тўрабек Назаровдан илтимос қилдик.

— Корхонангиз мамлакатимиздаги энг кекса жамоалардан бири саналади. Унинг ташкил топиши ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз?

— «Тошкентмебель» акционерлик жамиятининг ўтмишдоши 1962 йилда ташкил топган «Шарқ» фирмасидир.



қўшма корхоналар барпо этиш йўлидан бораяпмиз. Бинобарин, бу бозор иқтисодиёти шароитида энг мақбул усулдир. Биринчи қўшма корхонамиз 1996 йилнинг ўртасида ишлай бошлаган эди. «Диенвиде» деб номланган мебелсозлик тармоғидаги дастлабки қўшма корхонага «Тошкентмебель» ва Латвиянинг «Болдерия» ҳиссадорлик жамиятлари муассислар бўлишди. Бу хайрли иш нафақат ўзимизда, балки тармоқ учун ҳам фойдалидир. Чунки биз қўл урган иш аллақачон ўзини оқлади: У ишлаб чиқараётган мебель тўпламлари ҳиссадорларни мамнун этаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бизга Латвия етказиб бераётган хомашёнинг сифат сертификати мавжуд.

Яна бир янгилик: Бугун — эрта Латвия мебель корхоналари билан ҳамкорликда яна битта қўшма корхона «Шарқ» — Риетуми» иш бошлайди. Ўзаро шартномага кўра бу корхона даставвал «Бинафша» мебель тўплами ва ётоқхона мебель тўпламлари учун йилига 50 миллион сўмлик корпуслар тайёрлайди. Қўшма корхона тасарруфига қарийб 250 киши ишлайдиган бир неча цех берилади. Кадрларга эҳтиёж бор. Мавжуд имкониятдан фойдаланиб тажрибали ишчилар ва мутахассис-мебелсозларни доимий ишга таклиф этамиз. Ўрта мактабни битирганлар шу ернинг ўзида у ёки бу мутахассисликни эгаллашлари ҳам мумкин.

— Яқинда Москвада бутунжаҳон мебель кўргазмаси бўлиб ўтди. Янглишмасам, сиз ҳам қатнашдингиз. У ерда қандайдир намуналарни ўзингизда ўзлаштиришни режалаштирдингизлар?

— Кўргазмада кўрган ва англаганларим, табиийки, менинг бундан кейинги фаолиятимда жуда асқотади. Биз энг аввало мебеллар дизайнини яхшилашга эътиборни кучайтирамиз. Унинг кўриниши ва хусусиятларини яхшилаймиз. Бошқача айтганда, бадиий кўриниш даражасини оширамиз.

— Корхонангиз ташқи бозорга чиқиш масалалари билан ҳам шуғулланяптими?

— Бу борада қатъий ва изчил ишлар олиб бораяпмиз. Чунончи Қозоғистон савдо ташкилотлари билан ишончли амалий алоқалар ўрнатганмиз. МДҲ ва бошқа чет эл мамлакатлари иштирокида Олмаотада бўлиб ўтган мебель савдо кўргазмасида икки маротаба қатнашдик. Бизнинг маҳсулотларга қизиқиш билан қаралди. 1998 йил ноябрь ойида қилган сафарим натижасида корхонамизнинг Олмаотада савдо уйини очиш ҳақида битим имзоладик. Яқин орада бу савдо уйи ўз ишини бошлайди. Ташқи бозорга чиқиш учун янги йўлларни қидираяпмиз.

Суҳбатни Икром АҲМЕДОВ ёзиб олди

* * *

Суратларда: «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Т. Назаров. 2. 1999 йил ишлаб чиқариладиган «Бинафша» мебель тўпламининг намунаси. 3. Ёш оператор С. Тошмуҳамедов иш устида.

Зосим СОКОЛОВ олган суратлар

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 5 yanvar, seshanba № 2 (24.397).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Қизиқчилик санъати

Санъат олами нақадар рангбаранг. Унда аскиябозлик, қизиқчиликнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Азал-азалдан турфа давраларда улар барчага кулги улашиб, дилларни хушнуд этган. Гап, фақат ўша қизиқчиликни санъат даражасига кўтаришда.

Мазмунсиз шеърни, сийқа мусиқани, жозибасиз ашулани ҳеч ким тингламагани каби шунчаки олди-қочди гапдан иборат «аския»дан ҳам биров маънавий озиқ олмаса керак. Катта саҳнада юзлаб, минглаб томошабинни эса ҳеч ким мажбурлаб ўтказа олмайди... Санъатга ташна бўлиб келган томошабин саҳнадаги одамни имкон қадар берилиб тинглашга, ундан ўзига маънавий озиқ олишга интилади. Модомики, сийқа гаплар бошландими, бас, тингловчилар орасида шовқин, олағовур бошланади...

Мантиқан олиб қаралганда, санъат бамисоли чақмоққа ўхшайди. Чексиз самода ярқ этган чақмоқ барчанинг диққатини ўзига тортгани мисол саҳнада айтилган «теша тегмаган» гап ҳам томошабиннинг эътиборини жалб этади. Демак, аскиябозлик ё қизиқчилик қилгани саҳнага чиққан кишидан ўша машаққат — бир лаҳзали санъат талаб этилади!

Турли даврда саҳналарни, давраларни «забт этган» санъаткорларимиз кам эмас. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Сойиб Хўжаев, Муҳиддин Дарвишев, Ҳасан Йўлдошев... бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Бу кун жисман бўлмаса-да, бу марҳум санъаткорларнинг руҳлари тирик! Уларнинг овозлари, қизиқарли хатти-ҳаракатлари туширилган тасмалар элимизнинг бетакрор маънавий мулки сифатида сақланмоқда. Айни пайтда Эргаш Каримов, Ҳусан Шарипов, Ҳожибой Тожибоев, Мирза Холметов, Обид Асомов сингари ўнлаб истеъдодли санъаткорларимиз халқ меҳрини қозониб келаётгани баайни ҳақиқат. Уларнинг ҳар бири санъат осмонида ўзига хос юлдуз. Миллионлаб кулгисевар, санъатсеварларнинг эътиборини қозонган сиймолар!..

Қизиқчилик санъатида кўплаб мухлисларнинг олқишига сазовор бўлаётган санъаткорлардан бири — Худойберди қизиқ Зиётовдир. Гарчи, пойтахт шаҳримиздан олисроқ вилоятда яшаб, ойнаи жаҳонда сал камроқ кўринса-да у эл орасида анча машҳур. Ичакузди ҳангомалари, қизиқ-қизиқ аскиялари аллақачон видео ва магнитафон тасмаларида қўлма-қўл бўлиб кетган. У ташриф буюрадиган томошахоналар эса ҳамиша кулгисевар мухлислар билан гавжум бўлиб кетади.

Худойберди қизиқ гап асосида янги ҳангомаларидан бирини бошлаб юборди. «Назоратчи ва ҳайдовчи» сарлавҳали ҳангомадан газетахонларимизга ҳам илиндик.

— Ҳаётда кимдир беради, кимдир олади... Оладиганлар ҳам ўз навбатида кимларнингдир улушини бериши шарт. Айниқса, ДАН ходимлари орасида «олғир»роқлар кўплиги сир эмас. Ҳукуматгаям раҳмат, ўша «сир»дан воқиф бўлибди-ю ДАН ходимларининг ишини яхшилаш чоралари кўрилди. Барибир, битта ДАН ходимига теккан касаллик шу эканки, йўлда ўтган машинани тўхтатиб, бирор «айби»ни бўйнига қўйиб, сўнг муросаимадора қиларкан. Хуллас, беш-ўн сўм олмаса бўлмаскан. Энди, ҳайдовчилар ҳам шунга ўрганиб қолишганда — ДАН ходими таёғини кўтарди деганча тўхтаб... ҳужжат ўрнига чўнтагидан пул чиқаради. Сўнг, қўл-қўлни танийди, вассалом... Аммо-лекин, шундай бир ҳайдовчи ҳам бор эканки, умрида бирор марта илгариги ГАИсига ҳам, мустақилликдан кейин пайдо бўлган ДАНчисигаям ҳемер бермаган экан. Кимгадир пора беришни ўзига ҳақорат деб биларкан. Шунга яраша машинаниям қойиллатиб минаркан-да. Йўл қоидаларини сув қилиб ичган, ҳаммасига бенуқсон амал қиларкан. Хулласи денг, катта йўлда ўша олғир ДАН ходими билан ҳеч қачон пора бермайдиган ҳайдовчи дуч келибдилар. ДАН ходими ҳуштагини чуриллатганча таёғини кўтарибди. Ҳайдовчи бу «буйруқ»қа сўзсиз итоат этиб йўл четида тўхтабди. Бироқ, бошқа ялтоқироқ ҳайдовчиларга ўхшаб дарров машинадан тушмабди. Кўкрагига камарини тортган кўйи қимирламай ўтираверибди. ДАН ходими келиб «честь» беribди. Ҳужжатларини сўрабди. Ҳайдовчи секин узатибди. Ҳамма-ҳаммаси жойда эмиш. Машинада умман нуқсон кўринмасмиш. Ҳатто, ҳозир заводдан чиққандек ғилдиракларигача топа-тоза эмиш. Ҳайдовчи йўл қоидасига жуда риоя этган, хуллас, ундан бирор нарса ундиришнинг ҳеч имкони йўқ эмиш. Барибир, олғир нимадир олмаса бўлмайди. Машинани текширишда давом этибди. Магнитафони ишлайдими, деб сўрабди. «Ишламайди» деса, бас, ана камчилик, дейди. Йўқ. Магнитафони ҳам ишларкан. Қани, бирор кассета қўйинг-чи, деб буюрибди. Ҳайдовчи магнитафон қулоғини бурабди. Лазги куйи ва қўшиғи янграбди-ку! Шунда ДАН ходими бирдан чарх уриб ўйнаб кетибди ва ҳайдовчига секин назар ташлаб «қистирмайсизми?» дермиш!.. Ҳайдовчи ҳам анойилардан эмаскан: «кўчада рақсга тушаётганларни кўрсам, жинни-пинни эмасмикин, деб қўрқаман-е» деганча газни босибди...

Бундай кулгили ҳангомалардан кимнинг дили яйрамайди. Енгил машина ё автобусга ўтирган йўловчи борки, ДАН ходими билан ҳайдовчи ўртасида бўладиган «мулоқот»дан бохабар бўлса керак. Ҳозирги воқеликларни шунчалик нозик дид билан илғаб аския қилган Худойберди қизиқни чинакам истеъдод соҳиби, дейиш мумкин.

Каттақўрғон туманидаги Бироғиз қишлоғида туғилган Худойберди болалигиданоқ санъатга қизиқарди. Одамларни кулдиришни яхши кўрарди-ю бироқ давраларда сўз айтишга сира шошмасди.

Унинг учун муҳими — айтадиган гапининг маъноси, мағзи эди. Эшитган одам барака топсагина гапираман, дерди у. Санъатга бўлган қизиқиш ва ўзига бўлган талабчанлик уни Тошкент Санъат олийгоҳига етаклади. 1981 йили олийгоҳнинг мусиқали драма театри актёри бўлимини тамомлаган Худойберди Самарқанд давлат филармонияси томон йўл олди. Кўп йиллар хушовоз хонанда, ҳозирда Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева билан ҳамкорликда фаолият кўрсатди. Орадан роса ўн йил ўтиб, у «Қизиқчи — 91» кўрик-танлови ғолиби бўлди!

— Қаёқлардан сўраймиз?..

Бу, қаерда ишлаяпсиз ё қай манзилда яшаяпсиз, дегани.

Бу саволга Худойбердининг жавоби қизиқ бўлади:

— Ўзбекистонданман, ҳали чет элга чиққаним йўқ...

Чинданда уни ҳамиша юртимизнинг турли гўшаларида, қишлоғу шаҳарларида — томошахоналарда учратиш мумкин. Одамлар орасида юриб, маънавий озиқ олади ва уни маърифий талқин этиб санъат «қозони»да қайта пиширади. Сўнг, турфа давраларда, саҳналарда маҳорат ила намойиш этаверади. Санъатга ташна миллионлаб мухлисларни хушнуд этаверади.

Тўлқин ЭШБЕК

Маърифатнома

Ҳақ йўлдан адашмайлик

Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди. Буни асл қадриятларимиздан ҳисобланмиш Ислом динимиз тарихи мисолида кўриш мумкин. Собиқ комфирқа яккаҳокимликка ҳар қанча интилмасин, динимизни йўққа чиқаришга уринмасин, барибир, ҳақиқат қуёши балқиди! Юртимиз истиқлоли шарофати ила бебаҳо динимиз қадр топди!

Ислом динимизга, биз билан ёнма-ён яшайдиган бошқа диндаги кишиларга ҳам жуда оқилона муносабатда бўлмоғимиз зарур. Дин — ҳеч қачон зўравонлик ё ёшларни чалғитиш йўли билан жамиятга тиқиштирилмайди. Бу нозик масала, тегишли қонунларимизда ҳам белгилаб қўйилган. Диний муносабатларда шошмашошарликка йўл қўйиб бўлмайди, қош қўяман, деб кўз чиқариш ярамайди.

Таассуфки, сўнгги пайтларда аллақаерлардан айрим китоблар «оқиб» кела бошлади. Бизнинг она тилимизга ўгирилган бу китоблар рисоладагидек чоп этилган эди. Буни қарангки, шундай «қимматбаҳо» китоблар «ихлосмандлар»га текинга тарқатилди!.. Хўш, бундан муддао не? Бу билан нимага эришилади? Йўқ! Бу — ўша дин фидойиларининг иши эмас. Бильакс, қандайдир низо чиқариш. Бўлмағур жанжаллардан ҳамиша бўлмағур нусхалар, ақидапарастлар, бузғунчиларгина «барака» топиши мумкиндир?..

Шул сабаб, ўғил-қизларимизга мурожаатимиз: аввало ўзимизнинг дурдона китоблар мағзини чақиб, ўқинг. Ҳар хил гаплларга, чақириқларга чалғиманг. Ҳеч вақт бир гап эшитиб ё бирор китобни ўқибоқ бирёқлама хулоса чиқаришга ошиқманг. Шунда ҳақиқий илм соҳиби, етук инсон бўласиз!

Ўтмишда дин пешвонлари бир-бирларини танқидий нуқтаи назардан ўрганган, баҳслашган бўлишлари мумкин. Бироқ, бундай баҳсларга бугунги кунда ҳожат йўқ. Бир миллатга, бир динга мансуб кишиларнинг фарзандларига айрича тарғиб-ташвиқ қилиш, йўлдан уриш ҳеч қанақа қуюшқонга тўғри келмайди. Илло, мўъмин-муслималаримизни ҳеч вақт Ҳақ йўлидан адаштирмасин.

Ҳожи Аҳмад БОБОМУРОД, Ҳамза ва Миробод туманлари бош имом хатиби, мударрис





Нафсиламбирини айтганда, Ўзбекистонда мебель саноатининг юзага келиши ҳам шундан бошланган. Фирманинг ишлаб чиқариш базасини вужудга келишига Тошкентнинг турли қисмида жойлашган бешта кичик мебель фабрикаси асос бўлди. Бош корхона сифатида пойтахтнинг шимолий саноат зонасидаги тўртинчи фабрика танланди. Бинобарин, ҳозир бизнинг ҳиссадорлик жамиятимиз унинг ўрнида жойлашган.

Ўша кезларда чиқарилган мебелларнинг миқдори унча кўп эмас, жуда ҳам чекланган эди. Цехларда асосан қўл меҳнати устун эди. Юқори малакали мутахассис мебелсозлар етишмасди. 30 йил мобайнида корхонанинг номи бир неча бор ўзгарди. Ишлаб чиқариш такомиллашди ва техникавий қайта қуролланиш натижасида янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1996 йилга келиб бирлашмамиз ҳозирги номда — «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

— Мулкчилик шакли ўзгарганидан сўнг корхонанинг ишлаб чиқариш иқтисодий фаолияти қандай кечаяпти?

— Янги шароитда хўжалик юритиш биздан пухта ишлашни, кам харажат сарфлаб юқори сифатли маҳсулот чиқаришни талаб қилади. Бу борада бизга 1997 йил самарали бўлди. Бозор иқтисодиётининг кескин ва мураккаб талабларига қарамай, ҳиссадорлик жамиятимиз йилни яхши кўрстакичлар билан якунлади. 383 миллион 198 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди. Белгиланган дастур 103,1 фоизга бажарилди. Айни пайтда 1998 йил якунларини сарҳисоб қилаяпмиз. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ўтган йилги натижаларимиз ҳам олдингисидан қолишмайди. Чунки йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида режадагидан 290 миллион сўмлик маҳсулот ортиқ чиқарилган эди.

— Келинг энди Сизнинг кўмагингизда ҳиссадорлик жамиятининг эртанги кунига назар ташлайлик...

— Биз ҳозир чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда

Тошкент шаҳар Кўчмас мулк биржаси 1999 йил 15, 28 январь кунлари соат 11.00да ким ошди савдолари ўтказади

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Халқ банки Акмал Икромов тумани бўлимининг «Ўрикзор» даҳасида жойлашган умумий майдони 223,5 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган биноси. **Бошланғич нархи — 14498700 сўм.**

2. Сирғали туманида жойлашган «757-электромонтаж поезди» корхонасининг спорт соғломлаштириш муассасаси. Умумий майдони 648 кв.м. **Бошланғич нархи — 31836232 сўм.**

3. Акмал Икромов туманида жойлашган Республика олимпиа резервлари билим юртининг «ЕРАЗ — 762Б» русумли автомобили. **Бошланғич нархи — 78904 сўм.**

4. Чилонзор туманида жойлашган «SDF» акционерлик жамиятининг «ГАЗ-24» русумли автомобили. Бошланғич нархи — 115917 сўм.

5. Миробод туманида жойлашган «Махсус тажриба автокорхона» акционерлик жамиятининг «РАФ-2203» русумли автомобили. **Бошланғич нархи — 171997 сўм.**

6. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Темур Малик кўчасида жойлашган 6,16-6 сонли, Сирғали туманида Новосергелийская кўчасида жойлашган 45,96,107 сонли якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари. **Бошланғич нархи — 224449 сўмдан** (ҳар бир ер участканинг майдони 0,04га).

7. Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «АВЭК-МОТОРС» акционерлик жамиятининг:

— «КАМАЗ-53212» русумли автомобили. **Бошланғич нархи — 184291 сўм.**

— «МАЗ-55511» русумли автомобили. **Бошланғич нархи — 513727 сўм.**

— «УАС-2212» русумли автомобиль тиркамаси. **Бошланғич нархи — 99474 сўм.**

— «УАП-22» русумли автомобиль тиркамаси. **Бошланғич нархи — 76518 сўм.**

8. Акмал Икромов туманида жойлашган «Узбекгазсувқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамияти Махсус қурилишмонтож бошқармасининг «КАМАЗ-5320» русумли автомобили. **Бошланғич нархи — 185798 сўм.**

9. Сирғали туманида жойлашган «12-автобус саройи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг «ГАЗ-2411» русумли автомобили. **Бошланғич нархи — 180061 сўм.**

10. Ҳамза туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармасининг Ташқи иқтисодий хўжалик ҳисобидаги бирлашмасининг «ЗИЛ-130-80» русумли автомобили. **Бошланғич нархи — 157312 сўм.**

11. Ҳамза туманида жойлашган Республика ишлаб чиқариш «Маҳсустузатишсозлаш» бирлашмасига қарашли Республика миқёсидаги махсуслаштирилган тузатиш бошқармасининг:

— «ГАЗ-2410» русумли автомобили. **Бошланғич нархи — 79140 сўм.**

— «УАЗ-31512» русумли автомобили. **Бошланғич нархи 88734 сўм.**

— «ИЖ-27151» русумли автомобили. **Бошланғич нархи — 85833 сўм.**

12. Фуқароларнинг давлат фойдасига мусодара қилинган ва Тошкент шаҳар бош солиқ бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги 15та «ЗАЗ-968М», «ГАЗ-69Э», «ГАЗ-21», «ВАЗ-2102», «ВАЗ-21011», «ВАЗ-21013», «ВАЗ-21063», «Фиат-Темпра», «Шевролет-Корсика», «Москвич-412» русумли автомобиллар. **Бошланғич нархи — 6500 сўмдан 460731 сўмгача.**

13. Чилонзор туманида жойлашган «Ёркин-Нур» акционерлик жамиятининг 3 қаватли маъмурий-маиший биносининг 2-қавати, умумий майдони 1080кв.м. **Бошланғич нархи — 4533334 сўм.**

Шу билан бирга давлат хазинасига қарздор ва иқтисодий ночор бўлган корхоналарнинг ҳар хил турдаги асбоб-ускуналари ҳам савдоларга қўйилади.

Ким ошди савдоларида юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин. Ер участкаларига аризалар қабул қилиш ким ошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Биржа савдолари ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ўтказилади.

Тўловлар турли шаклларда амалга оширилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 1-қават, 1-хона.

Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73

Шошилинг бу сизнинг имкониятингиз!

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси газетанинг собиқ ходими Мамажон Отабековга волидаи меҳрибонлари

БАСАРОЙ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзматбаа-таъминот» корхонаси раҳбарияти ва жамоаси «ALEN» фирмаси бош директори Баҳодир Зоҳидович Юнусовга акаси

Миршоҳид Зоҳидович ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти маъмурияти «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» факультети декани, профессор Асқар Ортиқовга волидаи муҳтарамалари

ЁҚУТХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Юсуф ЖЎРАЕВ, навбатчи Маъмуржон ҚИЁМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 25805 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади
Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА